

МУҚАДДАС КИТОБ

ЛУҒАТИ

Луғатдан тўла фойдаланиш учун

кўрсатилган оятларни топиб ўқинг.

АЗИЗЛАР – Худонинг азизлари; аслида «муқаддаслар», яъни Худога чин қалбдан бағишланган, Худонинг муқаддас халқи бўлган аҳли мўмин; баъзан «фаришталар» маъносида (қаранг: Римликлар 8:27, Эфесликлар 1:1, 3:18, 6:18, Коло-саликлар 4:12, 1-Салоникаликлар 3:13, 2-Салоникаликлар 1:10, Ваҳий 5:8, 14:12, Забур 15:3, 29:5, 33:10).

АРАМИЙ – кўхна даврларда Фаластиннинг шимоли-шарқида ўрнашган сомиий халқи; Исо Масих даврига келиб, ибрий тилига ўхшаш арамейча яҳудийларнинг сўзлашув тили бўлиб қолган эди, Тавротнинг баъзи қисмлари бу тилда ёзилган (қаранг: Ибтидо 10:22, 25:20, 28:5, 31:47).

АСАФ – Подшоҳ Довуд даврида яшаган машҳур чолғучилар раҳбари; Забурнинг 49 ва 72-82-саноларини басталаган.

АСИЯ – Рим империясининг алоҳида вилояти, бугунги Туркиянинг ғарбий томонида жойлашган; Ҳаворий Павлус у ерда кенг қўламда фаолият кўрсатган (қаранг: Ҳаворийлар 2:9, 16:2, 19:22, 1-Бутрус 1:1, 2-Коринфликлар 1:8, Ваҳий 1:4).

АЮБ – Ҳазрати Иброхим авлоди, азоб-уқубатларга бардош берган солиҳ одам; Аюб номи китоб Забурнинг Шеърятига кирган (қаранг: Ёқуб 5:11).

АҲД САНДИҒИ – олтин билан қопланган ёғоч сандик; Қадимий яҳудийларнинг Шаҳодат Чодирисида, кейинроқ маъбаднинг «Муқаддаслар Муқаддаси» деган жойида сақланган; Худо Тавротнинг «Ўн Амри»ни иккита тош лавҳага ўйиб, Мусо пайғамбарга берган эди, бу лавҳалар Аҳд сандиғида сақланар эди (қаранг: 2-Коринфликлар 3:3, Ибронийлар 9:1-5, Вахий 11:19, Забур 131:6).

БААЛ – (ибронийча «эга») қадимги Канъон ва Финикия аҳолиси сиғинган «фаровонлик илоҳи»; унинг хотин эши маъбуда Ошера эди. Ибрыйлар Канъонда ўрнашгандан сўнг уларнинг кўпи бу сохта худоларга сиғина бошладилар (қаранг: Римликлар 11:4, Забур 105:28).

БААЛЗАБУЛ – Канъон элати филистийлар сиғинган «олий макон илоҳи»; Инжилда ёвуз руҳлар бошлиғи шайтонни билдиради (қаранг: Матто 12:22-37, Марк 3:20-30, Луко 11:14-26).

БАЛЪОМ – Таврот даврида яшаган пайғамбар; Мўоб подшохи Болоқ уни Исроил ўғилларини қарғаш учун ёллаган. Инжилда тамагирик, сохта диндорлик, нопоклик тимсолидир (қаранг: 2-Бутрус 2:15-16, Яхудо 11-оят, Вахий 2:14).

БАШОРАТГЎЙЛИК – қароматгўйлик, пайғамбарлик қилиш, Худо Руҳи таъсирида Масих жамоати учун илоҳий насихатлар қилиш қобилияти (қаранг: Ҳаворийлар 2:17-18, 11:27-28, 19:6, 21:9, Римликлар 12:6, 1-Коринфликлар 12–14-боблар, Эфесликлар 4:11, 1-Тимўтий 1:18, 4:14).

БИРОДАРЛАР – Инжилда одатда Исо Масих уммати, аҳли мўмин демақдир (қаранг: Матто 12:46-50, 23:8, Луко 22:31, Ҳаворийлар 1:15, Римликлар 8:29, Галатияликлар 2:4, Колосаликлар 1:1-2).

БОБИЛДАГИ СУРГУН – милоддан олдинги 587-йил Бобил подшохи Навуходнесар яҳудийларнинг пойтахти Қуддусни босиб олиб, аҳолини Бобилга сургун қилган. Яҳудийларнинг у ердаги 74 йиллик асорати «Бобилга сургун бўлиш даври» деб юритилади (қаранг: Матто 1:11-17, Ҳаворийлар 7:43, Забур 136-сано).

ВАТАНПАРВАР — Рим империясига қарши курашган яхудий миллатчилари фирқаси аъзоси; ўн икки хаворийлардан бири Симуннинг лақаби (қаранг: Матто 10:4, Хаворийлар 1:13).

ВАҲИЙ — 1) Худо кишига кўринтирадиган ғайритабиий ходисалар ёки эшиттирадиган каломлар (қаранг: 1-Коринфликлар 14:6 ва 26, 2-Коринфликлар 12, Галатияликлар 1:11-12, Эфесликлар 1:17, 3:1-6);

2) Инжилнинг шу мазмундаги сўнги китобининг номи.

ДАЖЖОЛ — (юнонча «антихристос», яъни «Масих мухолифи», «сохта Масих») Масихнинг ер юзига қайтиши арафасида пайдо бўлиб, шайтон кучи билан сеҳргарлик қиладиган ёвуз Дунё ҳукмрони (қаранг: Матто 24:24, 1-Юҳанно 2:18, 4:3, 2-Салоникаликлар 2, Ваҳий 13).

ДАМ ОЛИШ КУНИ — (ибронийча «шаббат», яъни «тиниш») яхудийларнинг дам олиш ва ибодат куни — шанба; дам олиш муддати жума куни куёш ботишидан шанба куни куёш ботишигача давом этади. Исо Масих давригача яхудий дин олимлари бу кунда нима қилиш жоиз ва нима тақиқ бўлгани ҳақида қилни қирқ ёрадиган бўлиб қолган эдилар. Исо Масих дам олиш кунда ҳам эзгулик қилиб ва беморларни соғайтириб, Худонинг бу кундаги асл мақсадини очиқ кўрсатди (қаранг: Ибтидо 2:1-3, Луко 6:1-11, 14:1-6, Юҳанно 7:22-24, Хаворийлар 1:12, 15:21, Забур 91-сано).

ДАҲШАТЛИ РАЗОЛАТ — Таврот, Дониёр 9:27-оятда берилган сирли каромат, Исо Масих бу оят асосида келажак ҳақида гапирган; турли маъноларда бўлса керак:

1) милоддан кейинги 70-йил Исроилда катта харобалик келтирган Рим қўшини (қаранг: Луко 21:20-24);

2) келажакда Масихга қарши чиқадиган дажжол (қаранг: Матто 24:15, 2-Салоникаликлар 2:1-4).

ДОВУД — Исроил халқининг буюк ва табаррук подшоҳи, милоддан олдинги 1000—960 йилларда яшаган, Худо номидан ботирлик қилган, Забурнинг кўп саноларини басталаган; мангу Подшоҳ Масихнинг тимсолидир (қаранг: Матто 1:1-6, 12:3, Луко 1:32, Юҳанно 7:42, Хаворийлар 2:25-35, 13:22-23, Ваҳий 3:7, 5:5, Забур 17-сано, 77:70, 88-сано).

ДОВУД ЎҒЛИ – қадимги пайғамбарларнинг башорат қилишларича, Ҳазрати Довуд наслидан келиб чиққан Қутқарувчи Масих (қаранг: Матто 1:1, 12:23, 22:41-46, Римликлар 1:3, 2-Тимўтий 2:8).

ДУНЁ, ОЛАМ – Муқаддас Китобда уч маънода келади:

1) коинот (масалан, Забур 23:1);

2) инсоният (масалан, Юҳанно 3:16-18);

3) Худодан қайтган инсониятнинг гуноҳкор ўй-фикр ва хатти-ҳаракат тарзи (масалан, Юҳанно 15:18-19, 2-Бутрус 1:4, 1-Юҳанно 5:1-5).

ЕДУТУН – Ҳазрати Довуд даврида яшаган руҳоний, Эйтан, Ҳейман ва Асаф билан бир қаторда чолғучилар раҳбари бўлган (қаранг: Забур 38, 61 ва 76-санолар).

ЁҚУБ – 1) Тавротда: Ҳазрати Исҳоқ ўғли, Исроил халқининг тарихий отаси (қаранг: Ибтидо 25–35-боблар); Забур шеъриятида кўпинча Исроил халқини билдиради;

2) Инжилда: айрим кишиларнинг исми, масалан, Исо шогирдларидан Забадий ўғли Ёқуб ва Алфей ўғли Ёқуб, шунингдек, Исонинг укаси Ёқуб, у Қуддусдаги Масих жамоатининг пири бўлган, Инжилдаги Ёқуб номасини ёзган деб ҳисобланади.

ЖАМОАТ – қаранг: ИМОНЛИЛАР ЖАМОАТИ.

ЖИН – шайтонга хизмат қилувчи, Худо ва инсонга душман ёвуз рух (қаранг: Матто 8:16, 25:41, Луко 8:26-39, 9:1, 9:37-43, 11:14-26, Ҳаворийлар 16:16, Яҳудо 6-оят, 1-Коринфликлар 10:20, Эфесликлар 6:12, 1-Тимўтий 4:1, Ваҳий 12:9).

ЖОИЗ – Илоҳий Қонунга мувофиқ; динда тақиқ этилмаган.

ЖУЛ ВА КУЛ – қадимий яҳудийларда тавба-тазарру ёки дард-алам аломати ўлароқ жул (яъни қанордан тўқилган дағал кийим) кийиш ва бошга кул сепиш одати бўлган (қаранг: Матто 11:21, Ваҳий 11:3, Ибтидо 37:34, Забур 34:13).

ЗАБУР – (ибронийча «техиллим», яъни «санолар») 150 та «санно»дан иборат қадимий диний шеърят; Таврот ва Пайғамбарлар китоблари билан бирга Қадимги Аҳднинг табаррук ёзувлар таркибига кирган; Забур бастакорларининг энг таниқлиси Ҳазрати Довуддир (Забурга кириш сўзига ҳам қаранг).

ИБОДАТХОНА — (юнонча «синагога») яхудийлар ибодатхонаси; шанба куни ибодат, кироат ва хутба учун йиғиладиган иморат (қаранг: Марк 1:21-39, Ҳаворийлар 6:9, 9:20).

ИБРИЙ, ИБРОНИЙ — асли Ибр деган номдан: сомиёлар ирқига мансуб, кейинроқ яхудийлар деб аталган халқ ва унинг тили; Таврот ва Забур ибрий тилида ёзилган (қаранг: Ибтидо 10:21, Юханно 19:20, Филиппиликларга 3:5).

ИЛЁС — милоддан олдинги 9-асрда Исроилда яшаган мўъжизакор буюк пайғамбар; у Мусо пайғамбар билан бирга Исо Масихга зоҳир бўлди (қаранг: Матто 11:14, 17:1-13, Марк 8:28, Луко 1:17, 4:25-26, 9:54, Ёқуб 5:17-18, Римликлар 11:2-4).

ИЛОҲИЙ ҚОНУН — Худованд Мусо пайғамбар орқали буюрган, Тавротнинг асосини ташкил этган қонун-қоидалар мажмуи (қаранг: Матто 5:17-19, 15:1-20, 19:17-18, 22:34-40, Юханно 1:17, Ҳаворийлар 15, Римликлар 2, 3, 7-боблар, Галатияликлар 3-боб).

ИМОНЛИЛАР ЖАМОАТИ — 1) Исо Масих уммати бўлган инсонларнинг жами (қаранг: Матто 16:18, Эфесликлар 2:11-22, Колосаликлар 1:18);

2) маълум бир жойда йиғилувчи Исо Масих жамоати (қаранг: Матто 18:15-20, Ҳаворийлар 4:32, 1-Коринфликлар 1-боб, Галатияликлар 1:2, 1-Салоникаликлар 1-2-боблар, Вахий 2-3-боблар).

ИНЖИЛ — юнонча «эвангелион», яъни «хушхабар», «эзгу хабар»:

1) Исо Масихнинг дунёга келиши, яшаши, ўлиб тирилиши ва таълимоти тўғрисидаги муқаддас хабар; Хушхабар (қаранг: Матто 4:23, 24:14, Марк 1:1, Римликлар 1:16, Галатияликлар 1:6-9);

2) бу Хушхабарни баён этувчи 27 китобчадан иборат муқаддас китоб; Янги Аҳд.

ИНОЯТ — одамлар сазовор бўлмаган ва савоб ишлар орқали ҳам асло қўлга кирита олмайдиган Худонинг раҳм-шафқати, илоҳий лутф-қарам (қаранг: Юханно 1:17, Римликлар 3:21-26, 5-боб, Эфесликлар 2:1-10).

ИНСОН ЎҒЛИ — Таврот, Дониёр 7:13-14-оятларга асосланган сирли Масих унвони; Исо Масих бу унвонни кўпинча

бошқа биров ҳақида гапиргандай ишлатган бўлса-да, Худо юборишни ваъда қилган улуғ Қутқарувчи Ўзи эканини аниқ билар ва ўргатар эди (қаранг: Матто 8:20, 9:6, 26:63-64, Луко 19:10, Юханно 3:13-15).

ИСО – (ибронийча «Ешуъа», яъни «Қутқарувчи Худованд») милоддан кейинги 1–33 йиллар чамаси Фаластинда (бугунги Исроил) яшаган улуғ Нажоткор – Масих; Унинг ер юзидаги асосий мақсади гуноҳкор инсонларни қутқариш учун Ўз жонини фидо қилишдан иборат эди. Исо Масихнинг бегуноҳ ҳаёти ва хочга миҳланиб ўлдирилганлиги Инжилдан бошқа қадимги тарихий манбаларда ҳам тасдиқланади (қаранг: Матто 1:21, Луко 1:31, 2:21, Ҳаворийлар 4:11-12).

ИСРОИЛ – 1) Исҳоқ ўғли Ёқубга Худо берган янги исм, маъноси «Худо курашади» ёки «Худо билан курашган» демакдир (қаранг: Ибтидо 32:28);

2) Ёқубнинг ўн икки ўғлидан келиб чиққан қабилалар иттифоқи ва бу қабилалардан ташкил топган халқ ва унинг ўлкаси (қаранг: Ибтидо 49-боб, Забур 13:7);

3) милоддан олдинги 9-асрда Исроил давлати иккига бўлингандан сўнг, Шимолий Подшоҳлик умуман Исроил деб атала бошланган (акси ЯХУДО; қаранг: Забур 113:2);

4) Инжилнинг баъзи оятларида: Исо Масихга ишониб Худонинг ҳақиқий халқи бўлганларнинг жами (қаранг: Римликлар 9:6-8, Галатияликлар 3:26-29, 6:16, Эфесликлар 2:11-22).

ИШАЪЁ – милоддан олдинги 8-асрда Исроилда яшаган улуғ пайғамбар; унинг Муқаддас Китоб таркибига кирган китоби 66 бобдан иборат бўлиб, унда Масих ҳақида кўп қароматлар бор, анча оятлари Инжилга айнан кўчирилган (қаранг: Матто 4:14-16, 8:17, 12:15-21, 13:14-15, 15:7-9, Луко 3:4-6, 4:17-19, Юханно 12:37-41, Ҳаворийлар 8:26-35, 28:25-27, Римликлар 9:27-29, 10:15-21, 15:12).

КАНЪОН – Фаластиннинг эскича номи, Худо Ҳазрати Иброҳимга ваъда қилган мамлакат; илгари Ҳом ўғли Канъон насли бўлган турли бутпараст халқларнинг ери эди (қаранг: Ибтидо 9:18–10:20, 12:5, 15-боб, 17:8, Забур 104-сано, Матто 15:22).

ЛЕВИЙ – 1) Ҳазрати Ёқубнинг учинчи ўғли ва ундан келиб чиққан Исроил қабиласи; яҳудий руҳонийлари Левий қабиласига мансуб бўлишлари шарт эди (қаранг: Ибтидо 29:34, 34-боб, 49:5-7, Ибронийлар 7-боб, Вахий 7:7; яна қаранг: ҲОРУН);

2) Исо шогирди Ҳаворий Маттонинг эски номи (қаранг: Луко 5:27-32, Матто 9:9-13).

ЛЕВИТ – Левий қабиласига мансуб, маъбадда ўтказиладиган маросимларда руҳонийларга ёрдам қилувчи диний хизматкор (қаранг: Луко 10:32, Юханно 1:19, Хаворийлар 4:36, Ибронийлар 7-боб).

ЛУТ – Ҳазрати Иброхимнинг жияни (қаранг: Ибтидо 11:27, 12–19-боблар, Луко 17:28-32, 2-Бутрус 2:7-8, Забур 82:9).

МАЖУСИЙ – Инжилда яҳудий бўлмаган ва ягона, ҳақ Худо ни билмаган барча халқларни билдиради (баъзан «турли халқлар» ёки «ғайрияҳудийлар» деб ҳам таржима қилинган); Худойи Таоло қадимий тарихда Ҳазрати Иброхимни ёрлақаб, унинг зурриёти – Исроил ўғилларини «Менинг халқим» деб танлаган, уларга махсус баракалар ваъда қилган эди. Ҳозир Исо Масихга ишонган бошқа ҳамма инсонлар ҳам ўша баракаларга эриша олмакдалар (қаранг: Римликлар 4–5, 9–11-боблар, Эфесликлар 2:11–3:11, Колосаликлар 1:21-23).

МАЛКИСИДҚ – Ҳазрати Иброхим замонида яшаган табаррук подшоҳ ва руҳоний; комил руҳоний Исо Масихнинг тимсолидир (қаранг: Ибтидо 14:17-24, Забур 109:4, Ибронийлар 5, 7-боблар).

МАННА – чўлда оч қолган Исроил аҳлини тўйдириш учун Худо томонидан 40 йил давомида таъминланган самовий егулик (қаранг: Юханно 6:22-58, Ибронийлар 9:3-4, Вахий 2:17, Забур 77:24-25).

МАСИХ – (юнонча «Христос», ибронийча «Машиах», арабча «Масих») асл маъноси «мой билан суртилган» демакдир. Таврот даврида муқаддас мақсадларга бағишланадиган нарсалар устига, шунингдек, Худо хизматига бағишланадиган кишилар (масалан, пайғамбарлар, подшоҳлар) бошига мой суртиш одати бўлган. Шунга кўра, Масих унвони умуман «Худо тайинлаган» маъносидадир, Тавротнинг кўп оятларида

эса айниқса Худо юборишни ваъда қилган улуғ Нажоткор ўрнида келади. Исо дунёга келгач, Унинг Масих экани маълум бўлди, Исо Ўзи буни билар ва ўргатар эди (қаранг: Матто 16:13-20, Марк 14:61-65, Луко 4:14-41, Юханно 1:41, 4:25-42, Забур 2-сано, 88:21).

МАСИХ ЖАМОАТИ – айнан қаранг: **ИМОНЛИЛАР ЖАМОАТИ**.

МАСИХИЙ – (юнонча «христиан») Исо Масихни Раббим ва Қутқарувчим деб тан олувчи, Масих йўлида Юрувчи киши (қаранг: Ҳаворийлар 11:26, 26:28, 1-Бутрус 4:16).

МАЪБАД – яҳудийларнинг Қуддусдаги ҳашаматли бош ибодатхонаси, «Худонинг уйи»; милоддан олдин ўнинчи асрда Довуд ўғли подшоҳ Сулаймон томонидан қурилган; милоддан олдинги 588-йил Бобил қўшинлари дастидан хароб бўлиб, қайта қурилган; милоддан кейинги 70-йил римликлар ҳужумида ер билан яксон бўлиб, ҳозиргача қурилмай қолган; Инжилда маъбаднинг маънавий аҳамияти, яъни Худонинг доимий ҳузури таъкидланади (**ХАРИТАГА** қаранг; яна қаранг: Матто 12:5-6, 23:16-22, Луко 21:5-6, Юханно 2:13-25, Ҳаворийлар 7:44-50, 1-Коринфликлар 3:16-17, 2-Коринфликлар 6:16, Эфесликлар 2:19-22, 2-Салоникаликлар 2:4, Ибронийлар 9-боб, Вахий 3:12, 21:22; Забур 5:8, 10:4, 26:4, 78-сано).

МИРРА – дори ва атир сифатида ишлатиладиган қимматбаҳо, хушбўй ўсимлик шираси (қаранг: Марк 15:23, Юханно 19:39, Забур 44:9).

МУСО – Мисрга асир тушган Исроил халқини қутқариш учун Худо юборган улуғ пайғамбар, тахминан милоддан олдинги 1400 йилларда яшаган, Синай тоғида унга Таврот (Илохий Қонун) вахий бўлган (қаранг: Забур 77-сано, Луко 9:28-36, Юханно 1:17, Ҳаворийлар 7:17-44, 2-Коринфликлар 3:7-16, Ибронийлар 3-боб).

МУСОНИНГ ҚОНУНИ – Мусо пайғамбарга вахий бўлган Илохий Қонун; Таврот.

МУҚАДДАС – асосий маъноси «ажратилган», яъни ҳар қандай ғубор ва айб-ғуноҳдан холи демақдир; Худонинг эпители бўлиб «ҳар қандай яратилган махлуқдан олий, баркамол, яқинлашиб бўлмас нурда яшовчи» маъносидадир;

инсонлар учун ишлатилса, «Худо учун ажратилган, Худога бутунлай бағишланган» демакдир (қаранг: Матто 7:6, 25:31, Юҳанно 17:17-19, 1-Бутрус 1:13–2:10, Яхудо 20-оят, Римликлар 12:1, Эфесликлар 1:4, 5:25–27, Колосаликлар 1:21–23, 3:12, Ибронийлар 7:26, 12:14, Ваҳий 4:8, Забур 98-сано).

МУҚАДДАС КИТОБ – (юнонча «Библия», яъни «китоблар»)

Қадимги Аҳд ва Янги Аҳддан иборат, Таврот, Забур ва Инжилни ўз ичига оладиган муқаддас ёзувлар мажмуи, Худо Рухи ваҳий қилган бузилмас, ўзгармас Муқаддас Битик.

МУҚАДДАСЛАР МУҚАДДАСИ – аввалда Шаҳодат Чодирда жойлашган, Қуддусда маъбад қурилгандан сўнг маъбаддаги «муқаддас макон»нинг ички, энг муқаддас бўлмаси; Худонинг доимий хузурини билдиради, унда Аҳд Сандиғи сақланар эди (МАЪБАД ХАРИТАСИГА қаранг, яна қаранг: Ибронийлар 9-боб).

МУҚАДДАС РУҲ – Илохий Рух, Худонинг ва Масихнинг Рухи, Худо моҳиятидаги азалий ва абадий Рухуллох; У Худо каломини гапирувчи пайғамбар ва муаллифларга илҳом беради; инсонларни Исо Масихга жалб қилади; имонлилар қалбида яшаб, уларнинг ҳаётига ижобий таъсир қилади (қаранг: Матто 3:11, 12:28-32, Луко 11:13, Юҳанно 14:15-25, 16:1-16, Ҳаворийлар 2-боб, 1-Бутрус 1:10-12, 1-Юҳанно 2:18-29, 4:1-6, Римликлар 8-боб, 1-Коринфликлар 2 ва 12 боблар, Галатияликлар 5:16–6:10, Эфесликлар 4:30, Ибтидо 1:2, 6:3, Забур 50:13).

НАБИ ЯСУ – (юнонча «Иисус») Мусо пайғамбарнинг ёрдамчиси ва ўринбосари, Исроил халқини Фаластинга чўлда юриб етаклаб борган (қаранг: Ҳаворийлар 7:45, Иброний. 4:8).

НАЖОТ – қутулиш, Муқаддас Китобда кўпинча гунохкорнинг айбидан фориг бўлиб, Худо ғазабидан қутулиб, абадий ҳаётга эришишини билдиради (қаранг: Луко 19:9, Юҳанно 3:16-21, Ҳаворийлар 4:11-12, 1-Бутрус 1–2-боблар, Римликлар 1:16, 5:6-11, 8:18-25, Эфесликлар 1:13-14, 1-Тимўтий 1:15, Забур 50:14).

ОЛИЙ КЕНГАШ – (юнонча «синедрион») олий руҳонийлар, оқсоқоллар ва уламолардан таркиб топган яҳудийларнинг энг олий диний ва миллий органи (қаранг: Матто 26:57-66, Ҳаворийлар 5:17-42).

ОЛИЙ РУҲОНИЙ – яҳудий руҳонийларининг бошлиғи, Олий Кенгаш аъзоси (қаранг: Юҳанно 11:49-52, 18:13-24, Ибронийлар 2:17, 8–9-боблар).

ОСМОН – Муқаддас Китобда тўрт маънода келади:

1) ерни қоплаб турувчи ҳаво гумбази (масалан, Забур 8:2);

2) фазо, коинот (масалан, Ибтидо 1:1);

3) Худо ва фаришталарнинг даргоҳи (масалан, Матто 6:9, Ҳаворийлар 7:48-50, Вахий 4-боб);

4) Худонинг Ўзи (масалан, Луқо 15:18, 21, 20:4-5).

ОСМОН ШОҲЛИГИ – айнан қаранг: ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ.

ОТА – (бош ҳарф билан ёзилса) одам болаларини ўз фарзандларидек севиб асрайдиган Худованд (қаранг: Матто 6-боб, Забур 102:13).

ОҚЛАШ, ОҚЛАНИШ – Инжилга кўра, барча одамзод гуноҳкор бўлиб Худо ғазабига йўлиққан ва жазога маҳкум бўлган. Фақат Исо Масих менинг гуноҳларимни Ўз бўйнига олиб ўлди, деб чин қалбдан ишонган кишининг айбидан Худо ўтиб, уни жазосиз қолдиради, ҳатто «беайб», «солиҳ» деб қабул қилади, бошқача айтганда, Худо гуноҳкорни оқлайди (қаранг: Луқо 18:14, Ҳаворийлар 13:38-39, Ёқуб 2:14-26, Римликлар 1:17, 3–5-боблар, Галатияликлар 2:15-21, 3:6-12, Титус 3:4-7).

ОҚСОҚОЛ – 1) қадимий Исроилда: қавм ёки қабила бошлиғи, обрўли диний маслаҳатчи (қаранг: Забур 106:32, Матто 21:23, Луқо 7:3);

2) Масих жамоатларида: жамоат раҳбарларига маслаҳат берувчи доно киши (қаранг: 1-Тимўтий 5:17-22, Титус 1:5-9).

ПАРДА – Маъбадда Худонинг ҳузурини билдирувчи «Муқаддаслар Муқаддаси» номли макон бор, уни йирик парда ажратиб турар эди. Исо Масих хочда жон берган пайтда бу парда мўъжиза туфайли йиртилди. Бундан англашиладики, Исо Масих гуноҳкорлар учун қурбон бўлгани натижасида энди имонлилар бемалол Худо ҳузурига киришлари мумкин (қаранг: Матто 27:51, Ибронийлар 6:19-20, 9:1-14, 10:19-22).

ПЎНТИЙ ПИЛАТ – милоддан кейинги 26–37-йиллар Яҳудия вилоятидаги Рим ҳокими; Исо Масихни ўлимга маҳкум

қилган (қаранг: Луко 3:1, 13:1, Юханно 18:28–19:38, 1-Тимўтий 6:13).

РАБ, Ё РАББИЙ, РАББАНО – «Эгам(из)» дегани, умуман Парвардигорга, айниқса Инжилда, Исо Масихга хос илохий унвон (қаранг: Марк 5:19, Юханно 20:10-18, Хаворийлар 2:36, 5:14, 2-Бутрус 1:1-3, Рим 1:2-5, Филиппиликлар 2:6-11).

РУҲ – (бош ҳарф билан ёзилса) Муқаддас Рух.

РУҲОНИЙ – Худо билан одамлар орасида воситачи диний хизматкор; Таврот даврида асосий вазифаси қурбонлик сўйиш эди, Инжилда руҳонийликнинг чуқур, маънавий аҳамияти Исо Масих ва имонлиларнинг хизматида кўринади (қаранг: Марк 1:44, 1-Бутрус 2:4-10, Ибронийлар 7-боб, Вахий 1:6, Ибтидо 14:18, Забур 131:9, 16).

САДДУҚИЙЛАР – Тавротдан фақатгина Мусо пайғамбарнинг бешта китобини маъқуллаган, охират, киёмат, жаннат-жаҳаннам, жин-фаришта каби ғайритабиий тушунчаларни рад қилган қадимий яҳудийлар мазҳаби (қаранг: Матто 16:1-12, 22:23-34, Хаворийлар 23:6-11).

САДЎМ ВА ҒАМЎРА – гуноҳкорлиги ва ваҳшиёна ҳаракатлари туфайли Худованд томонидан ер билан яқсон қилинган қадимги шаҳарлар (қаранг: Ибтидо 18–19-боблар, Матто 11:20-24, 2-Бутрус 2:6, Яхудо 7-оят).

САМАРИЯ – Исроилнинг ўрта қисмида жойлашган вилоят, аҳолиси баъзи Канъон элатлари билан аралашгани учун яҳудийлар уларни соф яҳудий эмас, деб хўрлаганлар (қаранг: Луко 10:25-37, 17:11-19, Юханно 4-боб, 8:48).

САРРОФЛАР – Яҳудийлар маъбад учун ярим шақал (икки динор) солиқ тўлашлари керак эди. Рим пули «бутпарастлар пули» дейилгани учун уни муқаддас маконда ишлатиш мумкин эмас эди. Саррофлар пулларни алмаштириб, катта судхўрлик қилишарди (қаранг: Матто 21:12-13, Юханно 2:13-17).

СИОН – аслида Қуддус тепаликларидан бирининг номи, биринчи маъбад у ерда қурилган эди; рамзий маънода «Худо макони», «Худо хузури» демақдир (қаранг: Забур 13:7, 14:1, 47-сано, 86-сано, 128-сано, 147:1, Римликлар 9:33, 11:26-27, Ибронийлар 12:22, Вахий 14:1).

СИОН ҚИЗИ – шеърий услубда «Қуддус аҳолиси» демақдир (қаранг: Забур 9:15, Матто 21:4-5).

СОЛИҚЧИ – Исо Масих даврида Рим империяси учун ўз халқидан қарамлик солиғи йиғувчи яҳудий; солиқчилар умуман порахўр ва дин, ватан хоини деб ҳисобланарди (қаранг: Матто 9:9-13, 18:17, Луқа 3:12-13, 18:9-14, 19:1-10).

СОЛИХ – 1) Худо йўлида юрувчи, Худога макбул, покдил (қаранг: Ибтидо 6:9, Забур 1-сано);

2) гуноҳи ювилган, Худо марҳамат қилган, оклаган (ОҚ-ЛАШ сўзининг изоҳига қаранг; яна қаранг: Матто 25:31-46, 1-Бутрус 4:17-18).

СТОИКЛАР – милоддан олдинги 335–263-йиллар яшаган юнон файласуфи Зенонинг стоицизм деган фалсафаси тарафдорлари; бунга кўра киши фақат ҳаётнинг яхши-ёмон томонларига қаноат қилиши билан, яъни шодликка ҳам, қайғуга ҳам бепарво қараши билангина саодатга эришиши мумкин (қаранг: Хаворийлар 17:18).

СУВДА ИМОН КЕЛТИРИШ – юнонча аслидаги сўзнинг маъноси «сувга ботмоқ, чўммоқ» демақдир; дастлаб Яхё пайғамбар ўртага чиққанда учраган маросим; Инжилда ўргатилишича, Исо Масихни Раббим ва Қутқарувчим деб қабул қилган киши сувга чўмиб, Худо ва одамлар олдида имонига иқрор бўлиши керак (қаранг: Матто 3-боб, 28:19, Марк 16:16, Хаворийлар 2:38, 8:26-40, 1-Бутрус 3:21, Римликлар 6:3-4, Галатияликлар 3:27, Колос 2:12).

СУЛАЙМОН – Подшоҳ Довуднинг ўғли; Исроилнинг шуҳрат чўққиси бўлган даврда подшоҳлик қилган (милоддан олдинги 971–931-йиллар); Қуддусда биринчи маъбадни қурган; Муқаддас Китобдаги «Сулаймоннинг хикматлари»ни ёзган (қаранг: Забур 71 ва 126-санолар, Матто 6:29, 12:42, Хаворийлар 7:47).

СУННАТ – хатна; Муқаддас Китобда яҳудийликнинг белгисидир; Тавротда Худо Ҳазрати Иброҳимга: «Янги туғилган ҳар бир ўғил болангиз саккиз кунлигида хатна қилинсин», деб буюриб, исроилликлар билан аҳд қилган эди (қаранг: Ибтидо 17-боб). Инжилга кўра, Исо Масихга ишонган ғайрияҳудийларнинг суннат бўлиши фарз эмас; ҳозир хатна қилинадиган Масих имонлилари буни диний буйруқ

деб эмас, балки тиббий ва гигиеник сабаблардан қилишади (қаранг: Луко 1:59, 2:21, Юханно 7:22-24, Хаворийлар 15-боб, 16:3, Римликлар 2:25-29, 4:9-12, 1-Коринфликлар 7:17-19, Галатияликлар 5:1-12, 6:11-15, Эфесликлар 2:11, Колосаликлар 2:11).

СУННАТЛИЛАР, АҲЛИ СУННАТ – яхудийлар (Таврот ва Инжил даврида яхудийлардан бошқа деярли ҳеч бир халқда суннат қилиш одати йўқ эди).

СУННАТСИЗЛАР – ғайрияхудийлар.

СУННАТЧИЛАР, СУННАТ ТАРАФДОРЛАРИ – Исо Масихга ишонган ғайрияхудийларни ҳам суннат қилиш каби яхудий урф-одатига мажбур қилган бидъат (қаранг: Хаворийлар 11:2, 15:1, Галатияликлар 2:12, Филиппиликлар 3:2).

ТАВБА – «фикр ўзгартириш» деган юнонча сўзнинг таржима-си; яъни ўй-фикр ва хатти-ҳаракатни тубдан ўзгартириш, худбинликдан қайтиб Худога муурожаат қилиш демакдир (қаранг: Матто 3:1-2, 4:17, Луко 5:27-32, 13:1-9, 2-Буртус 3:9, 2-Коринфликлар 7:10).

ТАВРОТ – 1) Худо Мусо пайғамбарга буюрган Илохий Қонун;

2) Мусо пайғамбарнинг Илохий Қонунни ўз ичига оладиган беш китоби, яъни Муқаддас Китобнинг дастлабки китоблари «Ибтидо», «Чиқиш», «Левилар», «Саҳрода» ва «Қонунлар»;

3) баъзан Қадимги Аҳдда учрайдиган китобларнинг ҳаммасини билдиради (яъни Муқаддас Китобнинг биринчи 39 китоби).

ТАМУҒ – (юнонча «ҳадес») тавба қилмай, раҳматга эришмай ўлганларнинг жонлари қиёматгача қоладиган кўрқинчли жой; Ўликлар диёри (қаранг: Матто 16:18, Луко 16:19-31, Вахий 1:18, 6:8, 20:13-14, Забур 48:15-16).

УЛАМО – Таврот нусхаларини кўчириш, тафсир ва талқин қилиш билан шуғулланувчи яхудий дин олими (қаранг: Матто 2:1-6, 23-боб, Луко 11:45-54).

ФАРЗИЙЛАР – яхудийликнинг фарзу суннатларини ўта синчковлик билан адо этган қадимги мазҳабга мансуб кишилар; Исо Масихга кўп қаршилик қилганлар. Инжилда ўзига ишонганлик, мутаассиблик, кўр-кўрона диндорлик намунаси (қаранг: Матто 5:20, 15:1-20, Луко 11:37-44,

18:9-14, Юҳанно 3:1, Ҳаворийлар 15:5, 26:5, Филиппиликлар 3:5).

ФИЛИСТИЙЛАР, ФИЛИСТИЯ — қадимий Фаластиннинг денгиз соҳилида яшаган, Исроил халқига кўпинча адоватда бўлган бутпараст халқ ва унинг ўлкаси (қаранг: Ибтидо 21:34, 26-боб, Забур 59:10, 82:8, 86:4).

ФИРЪАВН — қадимги Миср подшоҳларининг унвони.

ФИСИҲ — яҳудийларнинг асоратдан қутулиш кунини қутлашга бағишланган улуғ байрами; Исроил ўғиллари Мисрда қул бўлган вақтда, Худо Азроилни юбориб мамлакатдаги ҳар бир тўнғични нобуд қилган, фақат уй бўсағасига қўзининг конини суртган Исроил ўғилларини аяб озодликка чиқарган. Буни эшлаш учун махсус зиёфат тайёрлашади, сўйилган қурбон қўзиси ва хамиртурушсиз ёпилган нон ейишади (қаранг: Матто 26—27-боблар, 1-Коринфликлар 5:7, Ибронийлар 11:28, Забур 77-сано, 104:28-45).

ХОЧ — 1) Рим империясида оғир жиноятчини ўлдириш учун қўл-оёғидан михлаб қўйишга мўлжалланган Т шаклидаги жуда ваҳший жазо мосламаси (қаранг: Матто 26:2, 27-боб);

2) Исо Масиҳнинг гуноҳкорлар учун хочда азоб чекиб ўлиши (масалан, 1-Коринфликлар 1:18, Галатияликлар 6:14);

3) Инжил йўлидаги фидойилик, азоб-уқубат (масалан, Марк 8:34).

ХУДО — ягона Парвардигори оламнинг умумий номи (баъзан Оллоҳ ёки Тангри деб ҳам таржима қилинган).

ХУДОВАНД — (ибронийча «Яхве») Мусо пайғамбарга ваҳий қилинган, ягона Парвардигорни бошқа сохта «худо»лардан ажратадиган Худонинг муқаддас, шахсий номининг таржимаси (қаранг: Ибтидо 2:4, Забур 67:5, 82:19).

ХУДОЖЎЙ — Худони севувчи, Худо йўлида юрувчи.

ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ — Худо салтанати, Осмон Шоҳлиги; Худонинг дунё устидан Ҳокими мутлақ эканини англатадиган ибора; Исо Масиҳ келиши билан бу салтанат аниқ суратда қўрина бошлаган бўлса-да, Унинг дунёга қайтишидагина том маъноси билан мужассамланади (қаранг: Матто 6:9-33, 13-боб, Марк 1:14-15, Луқа 12:31, 17:20-21, 18:15-17, Юҳанно 3:3, Римликлар 14:17, Колосаликлар 1:13, 2-Тимўтий 4:1; Забур 23 ва 46-санолар).

ХУДОНИНГ ЎҒЛИ — Исо Масихнинг унвони; Исонинг бошқа одамлар сингари яратилмай, балки Худодан келиб чиққанлигини, Худонинг Азизи сифатида азалий ва абадий мавжудлигини билдирувчи диний тушунча (асло жисмоний ёки жинсий маъноси йўқ). Исо Масихнинг яқка Ўзи отасиз дунёга келганлиги, беқиёс ҳаёти ва таълимоти, ўлимдан кейин тирилиб осмонга кўтарилганлиги Унинг бу табаррук унвонини тасдиқлайди (қаранг: Матто 3:17, 16:16-17, 26:63-64, Луко 1:31-35, 4:1-13, Юханно 3:16-36, 5:19-29, 10:22-38, 20:30-31, 1-Юханно 4–5-боблар, Римликлар 1:2-4, Галатияликлар 4:4-6, Ибронийлар 1:1-3, Вахий 2:18).

ХУДОТАРС — Худодан кўрқадиган.

ХУШҲАБАР — айнан қаранг: ИНЖИЛ.

ЧАЙЛАЛАР БАЙРАМИ — Исроил ўғиллари чўлда сарсон юрганликларини эслаш мақсадида ҳар йил етти кун чайларда яшаб байрам қиладилар (қаранг: Юханно 7-боб).

ШАНБА — айнан қаранг: ДАМ ОЛИШ КУНИ.

ШАҲОДАТ ЧОДИРИ — Исроил ўғилларининг чўлда кўчманчилик қилган давридаги чодирсимон маъбади; Қуддусда маъбад қурилмагунча жойдан-жойга кўчириб юрилган (қаранг: Хаворийлар 7:44-47, Ибронийлар 8:1-5, 9-боб, Вахий 15:5, Забур 14:1).

ЭЙТАН — қаранг: ЕДУТУН.

ЭПИКУРЧИЛАР — юнон файласуфи Эпикур (милоддан олдинги 341–270-йиллар) таълимотига асосланган фалсафа, бунга кўра рух худди тана сингари ўлади, нариги дунё йўқ, киши ўз руҳини тинчлантириб қаноат ҳосил қилиши керак (қаранг: Хаворийлар 17:18).

ЭФРАИМ — Ёқуб ўғли Юсуфнинг иккинчи ўғли ва ундан келиб чиққан Исроил қабиласи; Забурда кўпинча бўлинган Исроилнинг Шимолий Подшоҳлигини билдиради (қаранг: Ибтидо 41:52, 48-боб, Забур 59:9, 77:9, 79:3).

ЮНОНИСТОН — қадимий Греция.

ЮНОНЛАР — қадимий греклар; Инжилда умуман ғайрияҳудийларни билдиради (қаранг: Юханно 12:20, Хаворийлар 16:3, Римликлар 1:14-16, 1-Коринфликлар 1:22-24, Галатияликлар 3:28, Колосаликлар 3:11).

ЯНГИ АХД – Худо барча одамзод билан тузган, Масихнинг гунохкорлар ўрнига қурбон бўлиб тўккан қони асосида кучга кирган абадий тинчлик битими ва бу битимнинг шартномасини ўз ичига оладиган муқаддас китоб – Инжил (қаранг: Марк 14:24, Луко 22:20, 2-Коринфликлар 3-боб, Ибронийлар 8:6-13, 12:24, 13:20).

ЯХЁ ПАЙҒАМБАР – (аслида «Чўмдирувчи Яхё») халқни Худо йўлига солган ва дарёга чўмдириб тавба-тазарру қилдирган улуғ пайғамбар; у Исо Масихнинг келишига йўл хозирлаш учун юборилган (қаранг: Матто 3 ва 11-боблар, Марк 6:14-29, Луко 1 ва 3-боблар).

ЯХУДИЙ – ибрий халқи ва динининг янги номи; Исроилнинг Шимолий Подшоҳлиги ағдарилгандан сўнг, Исроил давлати жанубий вилоят – Яхудо (Яхудия) да марказлашиб, исроилликлар умуман «яхудий» деб атала бошлаганлар (қаранг: Матто 2:2, Юҳанно 4:9).

ЯХУДИЯ – Рим империяси даврида Фаластиннинг жанубий қисмидаги, пойтахт Қуддус жойлашган катта вилоят; Исо Масих у ерда кенг қўламда фаолият кўрсатган.

ЯХУДО – Тавротда: 1) Ҳазрати Ёқубнинг тўртинчи ўғли; Исроилнинг ўн икки қабиласидан бирининг отаси ва бу қабилга жойлашган макон (Исо давридаги Яхудия билан қарийб тенг; қаранг: Ибтидо 29:35, 49:10, Вахий 5:5);

2) милоддан олдинги 9-асрдан бошлаб: умуман Исроилнинг Жанубий Подшоҳлиги (қаранг: Ибронийлар 8:8);

3) милоддан олдинги 7-асрдан, яъни Шимолий Подшоҳлик Оссурияга мағлуб бўлгандан сўнг: умуман Исроил давлати (қаранг: Матто 2:6).

ЯХУДО – Инжилда: 1) Яхудо Ишқариёт, Исога хоинлик қилган шогирд ва Ҳаворий (қаранг: Матто 10:4, 26–27-боблар, Ҳаворийлар 1:12-26);

2) Ёқубнинг ўғли, Исо шогирдларидан бири (қаранг: Луко 6:16, Юҳанно 14:22, Ҳаворийлар 1:13);

3) Исонинг укаси, у Инжилдаги Яхудо мактубини ёзган (қаранг: Марк 6:3, 1-Коринфликлар 9:15).

ЎЛИКЛАР ДИЁРИ – (ибронийча «шеўл») Исо Масих келишидан олдин барча марҳумларнинг жонлари бўлган жой; тамуғ (қаранг: Ибтидо 25:7-8, 37:35, Забур 6:6, 9:18, Ҳаворийлар 2:27).

ҚАДИМГИ АҲД — Исо Масих келишидан олдин Худо Исроил халқи билан тузган битим ва бу битимнинг шартномасини таърифловчи 39 китобчадан иборат муқаддас китоб; Таврот, Забур ва Пайғамбарлар китобларини ўз ичига олади; умуман «Таврот» деб ҳам юритилади (қаранг: Ибтидо 6:18, 9:1-17, 15 ва 17-боблар, Забур 24:10, 77:10, 102:18, 104:8-11, 110:5-9, 2-Коринфликлар 3-боб, Ибронийлар 8—9-боблар).

ҚАЙСАР — Рим императори, Кесарь (қаранг: Луқо 2:1, 20:20-26, Ҳаворийлар 17:7, 25:1-12, Филиппиликлар 4:22).

ҚОНУН — (бош ҳарф билан ёзилса) айнан ИЛОҲИЙ ҚОНУН.

ҚУДДУС — Иерусалим шаҳри, милoddан олдинги 10-асрда Подшоҳ Довуд уни бутпараст ябусийлардан олиб, Исроилнинг табаррук пойтахти қилган (қаранг: Луқо 13:31-35, 19:28-44, 21:20-24, Забур 121, 136, 147-санолар).

ҚУРБОНГОҲ — 1) ибтидоий тарихда: Худо шаънига қурбонлик аташга мосланган тош супа (қаранг: Ибтидо 8:15-22, 12:7-8, 22-боб);

2) Қуддусда маъбад қурилгандан сўнг: маъбад ҳовлисида алоҳида-алоҳида жойлашган икки супа, бири устида қурбонлик келтирилар, иккинчисида хушбўй тутаткилар тутатилар эди (қаранг: Матто 5:23-24, 23:16-22, Луқо 1:8-11, Ибронийлар 13:10-16, Ваҳий 8:1-5, 9:13, Забур 25:6, 42:3-4, 83:4).

ҚЎРАҲ — Исроил халқининг кўчманчилик даврида Қўрах сулоласи катта исёнга сабабчи бўлган, шу туфайли Қўраҳнинг уч ўғлидан бошқа ҳаммаси Худованд қаҳрига учраб ер қаҳрига ботган, омон қолганлари эса кейин маъбадда чолғучи ва Забур бастакорлари бўлганлар (қаранг: Забур 41—48 ва 83—87-саноларнинг бош сатрлари, 105:16-18, Яхудо 11-оят).

ҲАВОРИЙ — (юнонча «апостол», яъни «юборилган») Исо Масихнинг махсус сайлаган ва Инжил Хушхабарини ёйишга юборган ўн икки элчилари (муридлари); Павлус каби Худодан алоҳида ваҳий олган бошқа Инжил фидойилари ўрнида ҳам ишлатилади (қаранг: Матто 10:1-15, Ҳаворийлар 1-боб, Римликлар 11:13, 1-Коринфликлар 4 ва 9-боблар, 12:28-29, 15:3-11, 2-Коринфликлар 11-боб, Галатияликлар 1—2-боблар, Ваҳий 2:2, 21:14).

ҲАЗРАТ – (Исо Масихга хитобан) Инжилнинг юнонча асл нусхасида одамлар учун ҳам, илоҳиёт учун ҳам «Эгам» деган бир хил хитоб сўзи ишлатилади. Исо Масихнинг ердagi ҳаётини хикоя қилувчи «Хушхабар» қисмларини таржима қилганда, асл маънога содиқ қолиши учун вазиятга қараб гоҳ «Ҳазрат», гоҳ «Раббим» сўзлари ишлатилган.

ҲАЛЛЕЛУЯ – «Худовандни мадҳ қилинг!» деган ибронийча хитоб, Забурда кўп учрайди; умуман «Ҳамдлар бўлсин» деб таржима қилинган (қаранг: Ваҳий 19:1-8, Забур 103–105, 110–113, 145–150-санолар).

ҲАРОМ – мурдор; Илоҳий Қонун бўйича кишини нопок, ифлос қилувчи нарса ёки иш-ҳаракат (қаранг: Марк 7:1-23, Ҳаворийлар 10:9-16, Римликлар 14-боб).

ҲИРОД – Инжилда бешта айрим Рим ҳокимини билдиради:

1) Буюк Ҳирод: милоддан олдинги 37–4-йилларда Фаластиндаги Рим ҳукмрони эди; Исонинг туғилиши ва чакалоқларни кирғин қилиш шу даврга тўғри келади (қаранг: Матто 2:1-21, Луко 1:5);

2) Ҳирод Архелай: милоддан олдинги 4-йилдан милоддан кейинги 6-йилгача Яҳудия, Самария ва Идумеяда золимларча ҳокимлик қилган (қаранг: Матто 2:22);

3) Ҳирод Антипа: милоддан олдинги 4-йилдан милоддан кейинги 39-йилгача Жалила ва Перея вилоятлари ҳокими эди; у Яҳё пайғамбарни ўлдирди, Исо Масихни ўлимга маҳкум қилиш учун Пилатга топширди (қаранг: Луко 13:31-33, 23:6-12, Марк 6:14-29);

4) 1-Ҳирод Агриппа: Буюк Ҳироднинг невараси; милоддан кейинги 37–44-йилларда Фаластиннинг айрим қисмларида ҳокимлик қилди; хаворий Юҳаннонинг укаси Ёқубни ўлдирди (қаранг: Ҳаворийлар 12);

5) 2-Ҳирод Агриппа: 1-Агриппанинг ўғли, отаси ўрнига ҳокимиятни олди; Павлусни сўроқ қилди (қаранг: Ҳаворийлар 25–26-боблар).

ҲИРОДЧИЛАР, ҲИРОД ТАРАФДОРЛАРИ – Ҳирод Антипани ёқловчи яҳудийлар фирқаси (қаранг: Марк 3:6, 12:13).

ҲОБИЛ ВА ҚОБИЛ – Одам Ато ва Момо Ҳавонинг дастлабки икки ўғли; Қобил укаси Ҳобилни ўлдирган (қаранг: Ибтидо 4-боб, 1-Юҳанно 3:12, Яҳудо 11-оят, Ибронийлар 11:4).

ҲОРУН – Мусо пайғамбарнинг акаси ва ваъзгўйи; Исроил халқининг илк олий рухонийси бўлган, левитларнинг рухонийлиги Ҳорунга асосланади (қаранг: Ҳаворийлар 7:40, Ибронийлар 5:4, 7:11, 9:4, Забур 76:21, 98:6, 104:23-27, 113:18).

ҲОСИЛ БАЙРАМИ – (юнонча «эллик кун байрами») яхудиylар Фисих байрамидан эллик кун кейин ғалла ҳосили муносабати билан қутлайдиган байрам; Исо Масих тирилиб осмонга кўтарилгандан сўнг, Худо бу байрамда Муқаддас Рухни юқоридан ёғиндай юбориб, имонлиларни бус-бутун тўлдирди (қаранг: Ҳаворийлар 2-боб, 20:16, 1-Коринфликлар 16:8).